



Электр токи. Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бири. Бугун бутун ер юзи электр энергияси билан ишлайдиган чироклар билан ёритилган. Мана шу буюк кашфиётнинг фанга маълум бўлиши хам ўн тўрт аср мукаддам Куръони Каримда башорат килинган экан:

«Аллох осмонлар ва ернинг Нуридир (яъни уларнинг барчасини ёритиб, кўзга кўрсатиб – йўқдан бор килиб тургувчидир). У Зот нурунинг (мўмин банда калбидаги) мисоли худди бир токча, унинг устида бир чирок, бу чирок бир шиша ичида, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди. У (чирок) на Шаркий ва на Фарбий бўлмаган (балки заминнинг кок марказидаги) муборак зайтун дарахтининг (мойидан) ёкилур. Унинг мойи (тиник, мусаффолигидан) гарчи унга олов тегмаса-да (атрофни) ёритиб юборгудек... Нур устига нур (бўлур). Аллох Ўзининг (бу) Нурига Ўзи хохлаган кишиларни хидоят килур. Аллох одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) мисоллар келтирур. Аллох барча нарсани Билгувчидир». Нур сураси, 35-оят

Мазкур ояти каримада «олов тегмаса-да, атрофни ёритиб юборгудек» модда зикр килинган. Бу ибора билан электр чирогининг тузилишида ажиб бир ўхшашлик бор. Электр чироклар шиша ичида бўлади ва айнан ояти каримада айтилганидек, юлдуздек порлаб, атрофга нур таратиб туради. Оятда айтилганидек, ушбу ёкилги модда на шаркий ва на гарбий эмас, фикри ожизимизча, бу модда бирор муайян жисм эмас. Электр чирокнинг ёниши учун керак бўлган энергия хам жисм ёки модда эмас, бунинг устига у оятдаги каби, ўзига хос тарзда ёнади, яъни алангаланмай туриб, кучли ёруглик таркатади.

Мана шу ўхшашликлар Куръони Каримда электр энергияси ёрдамида ёруглик манбаи кашф килиниши башорат килинган, деган хулоса чиқаришимизга асос бўлади. Аммо асл хакикат факат Парвардигори оламнинг Ўзигагина аёндыр.